



УДК 712

ПАРКЛАРНИНГ КЎКАЛАМЗОРЛАР КОМПОЗИЦИЯСИ.

Ш.У.Исройлова

ТАҚИ Магистранти

Тошкент Архитектура-Курилиш институти


Аннотация: Ушбу мақолада кўкаlamзорлаштириш тизимида қўлланиладиган турли хил ўсимликлар композицияларидан мисоллар келтирдик. Шунингдек ушбу композициялардан паркларни безашда қўлланилади.

Калит сўзлар: рекреация, солитер, боскет, лабиринт, клумба, рабатка, партер, гулли массивлар.

Ўзбекистон ҳудуди кескин континентал иқлимга хос, ёзниг жазирамаси ва ҳавонинг қуруқлиги кўкаlamзор ҳудудларга бўлган эҳтиёжни оширади. Шаҳарни доимий шамоллатиш ва ҳавосини яхшилаш учун кўкаlamзорлар тизимини тўғри ва фойдали ташкиллаштириш зарур. Яшил ўсимликлар шаҳарнинг энг муҳим ва самарали ободонлаштириш омили ҳисобланади. Ўсимликлар ҳаво таркиби ва тозалигига ижобий таъсир курсатади, шаҳарни турли заарли газлардан ва шовқиндан ҳимоя қиласди. Уларнинг жозибадорлигини ошириб, кўркига кўрк қўшади. Шаҳар марказида қизиган ҳавонинг концентрациясини камайтирувчи парклар қуриш мақсадга мувофиқ, чунки шаҳар маркази деярли шамолдан ҳимояланган. Шунингдек рекреация ҳудудлари инсонлар саломатлигига ижобий таъсир кўрсатиб, руҳиятини тинчлантиради.

Рекреация ва бўш вақтни ўтказиш зоналари марказга тортишнинг ижтимоий вазифаларидан бири ҳисобланади. Дам олиш ва бўш вақтни ўтказиш зоналарини ҳар томонлама ўйлаб ташкил этиш аҳоли гуруҳлари орасида мулоқот қилиш ва аҳборот алмашиши учун шароитлар яратади, жамият фуқароларини бирлаштиради. Зоналарни ташкил этиш учун энг қулай табиий шароитга эга ҳудудлар – дарё ёки сунъий яратилган сув ҳавзаларнинг бўйлари, кўкаlamзорлар, боғлар, парклар ҳудуди, майдонлар, ҳиёбонлар, булварлар, пиёдалар юрадиган кўчалар ва бошқалар ажратилади. [1].

Аксари шаҳар ва қишлоқларни кўкаlamзорлаштириш амалиётига хос бўлган асосий камчилик – бу экилаётган ўсимликларни танлашда ўрнатилган умумий тартиб – тизим ва тамойилларга риоя қилмаслиқdir. Яшил муҳитни шакллантириш, энг аввало мазкур муҳитнинг функцияси, унинг қаерда ва қандай тупроқда жойлашгани, маҳаллий табиий иқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда мазкур муҳитга экиладиган ўсимликлар таркибининг қандай танланишига боғлиқдир [2].





Парк ҳудуди ташриф бюрувчиларга мазмунли ҳордиқ тақдим этиш билан бирга уларда уннутилмас таассурот қолдириши керак. Шу сабабдан паркларда кўкаlamзorлаштириш композицияларини турли – туман ва қизиқарли қилиб жойлаштириш лозим. Парк ҳудуди шовқин, чанг, турли заарали газлардан ҳоли бўлиши учун кўплаб дараҳт ва буталар экиласди. Рекреация ҳудудларини лойиҳалашда дараҳтларнинг соялатиш ҳусусиятини инобатга олиш даркор. Барча дараҳт ва буталар кўп йиллик ўсимлик ҳисобланиб, доим яшил ва барги тўкилувчи гуруҳларга бўлинади.

Ушбу мақолада кўкаlamзorлаштиришда қўлланиладиган баъзи композициялар ҳақида сўз юритамиз. Манзарали яшил композициялар турларига қуйидагилар киради: солитерлар; дараҳтлардан тузилган гуруҳлар композицияси, буталардан тузилган гуруҳлар, яшил массивлар, яшил деворлар, яшил тўсиқлар, тирмашиб ўсувлари яшил шакллар шулар жумласидандир.

Солитер – якка тартибда экилган, ўзининг бетакрор кўриниши, гуллари, гўзаллиги билан алоҳида ажралиб турувчи дараҳт ва буталардир. Ушбу композиция атрофга ўзгача гўзаллик бағишлиайди (1-расм).



1-расм Солитер

Дараҳтлардан тузилган гуруҳлар композицияси. Бошқа композициялардан алоҳида экилган, таркиби иккитадан то ўнлаб дараҳтларгача бир хил дараҳтлар туркумидан иборат бўлган ёки таркиби ҳар ҳил дараҳтлардан тузилган яшил композиция. Дараҳтлардан тузилган гуруҳлар композицияси боғлар, парклар, булварларда асосий ўринни эгаллайди. Бу гурухни шакллантиришда барги тўкилувчи, игнабаргли, гуллайдиган дараҳтлар ҳамда буталар аралаш қилиб экиласди (2-расм).





2-расм Дараҳтлардан тузилган гуруҳлар композицияси.

Биринчи **боскетлар** XVI асрда Франция паркларида ташкил этилган. Очиқ осмон остида дараҳт ва буталарнинг зич экилиши оқибатида лабиринтлар вужудга келган. Геометрик шаклга эга бўлган ёпиқ жойлар, майдончалар, яшил тўсиқлар ёки яшил деворлар билан тўсилиб, уларнинг ички қисмида гулзорлар ёки фавворалар жойлашади (3-расм).



3-расм Боскетлар

Тирмашиб ўсувчи ўсимликлар турли шаклдаги сим ёки ёғочга чирмашиб ўсади. Шунингдек бино, иншоотлар, айвонларни вертикал равишда безатиш учун самарали қўлланилади. Кичик архитектура қурилмаларига чирмашиб ўсувчи ўсимликлар қаторига қуйидагилар киради: плюш, ёввойи ток, япон токи, хитой глицинияси шулар жумласидандир.

4-расм Тирмашиб ўсувчи ўсимликлар

Ландшафт архитектураси объектларини гулзорларсиз тасаввур этиш қийин [3]. **Гулзорлар** бир неча турларга бўлиниб, уларга *клумбалар, рабаткалар, майсазорлар, миксбордюрлар, партерлар* киради.

Клумба деб бирор геометрик шаклдаги гулзорларга нисбатан айтилади. У турли геометрик шаклларга эга бўлган, атрофдаги майсазордан бироз баланд турли гуллар билан шакллантирилган гулзордир. Бизнинг иссиқ ва қуруқ ёзги шароитда клумбалар доимий суғоришни талаб қиласиди. Шунингдек клумбалар ўрта қисмида сопол вазалардан фойдаланилади, бу композиция янада чиройли чиқишини таъминлайди. Экин турларига кўра





улар гулли, гиламсимон ҳамда аралаш бўлиши мумкин.

5-расм Клумба

Рабаткалар бу тўғри бурчакли, узунлиги энидан уч марта ва ундан катта бўлган майдончадир. Рабаткалар бу узун чизиқли тасма гулзорлар бўлиб ҳиёбонлар, майдонлар атрофи бўйлаб, бино олдида экиласди. Узун рабаткалар зерикарли бўлмаслиги учун бир неча қисмларга ажратиласди. Уларнинг орасига айлана, квадрат кичик клумбачалар экиласди.



6-расм Рабатка

Миксбордерлар асосан кўп йиллик ўсимликлардан ташкил топган, бир – бирига яқин жойлаштирилган, турли ўсимликлар грухининг кенг қамровли майдончаларига айтиласди. Миксбордерлардаги ўсимликлар грухлари шундай танланадики унда гуллаши эрта баҳордан то кеч кузгача гуллаш жараёни давом этади. Миксбордердаги ўсимликлар ва гуллар ранглар палитрасини таъминлайди.





7- расм Миксбордерлар

Гулли массивлар газонларда экиладиган баланд ва ўрта бўйли гулли ёки манзарали ўсимликларнинг кенг майдонлариdir. Ўсимликлар бир ёки бир неча турлардан ташкил топади. Гулли массивларни яратишда асосан атиргуллар, ирислар ва георгинлардан фойдаланилади.



8-расм Гулли массивлар

Партер боғ – паркларга кириш, бинолар олдига ёки улар ҳудудида қўлланиладиган тантанали текис гулзор, майсазор композицияdir. Уларни барпо этишда ўтсимон ўсимликлардан фойдаланилади. Партер оддий майдонча шаклида ёки мураккаб бўлади. Партер композициясига манзарали ҳовузлар, фавворалар, хайкалчалар киритилиши мумкин.





9-расм Партер

Юқорида келтирилган мисол ва маълумотлардан кўриниб турибдики, кўкаlamзорлар композициялари ниҳоятда турфа хил ва улардан фойдаланиб паркларнинг худудини янада кўркам ва жозибадор қилишимиз мумкин бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. D.U.Isamuxamedova, L.A.Adilova. "Shaharsozlik asoslari va landshaft arxitekturasi" Toshkent, 2009
- 2.3. А.С.Уралов, Л.А.Адилова "Ландшафт архитектураси".
4. <https://diz-cafe.com/ozelenenie/soliter-eto-v-landshaftnom-dizayne.html>
5. <https://zen.yandex.ru/media/id/>
- 6.<https://ogorodniki.com/article/chto-takoe-miksborder-i-kak-ustroit-sovremennoyi-tsvetnik>

